



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Азамов Жасур, PhD

Күқон давлат педагогика институти доценти

ОЛИЙ ТАЪЛИМ БОШҚАРУВИГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР ВА
ТАМОЙИЛЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЗАРУРАТИ

Аннотация: Мазкур мақолада олий таълим муассасаларини сифат босқичига олиб чиқиши, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш учун олийгоҳлар бошқарувига янгича ёндашувлар, тамойилларни олиб кириш, эркин ва мустақил бошқарув тизимини яратиш ва бу орқали академик эркин ўқув жараёнини ташкил этишга доир муаммолар ва ижтимоий талаблар тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: венчур молиялаштириш, бенчмаркинг (benchmarking), франчайзинг (franchising), аутсорсинг (жумладан, IT-аутсорсинг; out + source), краудсорсинг (crowd+ sourcin), брэндинг (branding), флантропик фаолият (philanthropic activity), модулли таълим.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда инновацион таълим мухитини шаклланиши олий таълим мауссасаси бошқарувига ҳам инновацион ёндашув тамойилларини олиб киришни ва жорий этишни тақозо этмоқда. Бинобарин, инновацион ёндашув ОТМни жамиятда кечётган ижтимоий, иқтисодий, маданий ўзгаришларга мослашган ҳолда ривожланиши, таълим сифатининг ошиши, малакали, кучли рақобатга бардошли кадрларни тайёрлашга эришишнинг мухим омили сифатида эътироф этилади. Шу боис АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея, Канада, Сингапур, Туркия, Россия давлатларида ОТМни инновацион бошқаришнинг янги тенденциялари – венчур (venture) молиялаштириш, бенчмаркинг (benchmarking), франчайзинг (franchising), аутсорсинг (жумладан, IT-

аутсорсинг; out + source), краудсорсинг (crowd+ sourcin), брэндинг (branding), флантропик фаолият (philanthropic activity) кабилар жорий этилмоқда.

Хорижий мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий интеграллашув жараёнининг чуқурлашуви халқаро малака талабларига мос кадрлар тайёрлаш мазмуни, муассаса ўқув жараёнини такомиллаштириш ва илмий методик базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Олий таълимдаги сифат ва рақобатбардошликни таъминловчи механизмлар хусусиятларини кўрсатувчи бенчмаркинг, тюнинг методи, кўрсаткичларни мувозанатда сақлаш тизими, ялпи сифат менежменти, сифат кафолати, самарадорликнинг асосий кўрсаткичлари, узлуксиз сифат яхшиланиши каби сифатни таъминлашга ва илғор тажрибаларни ўрганишга йўналтирилган методларидан фойдаланиш илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда кўплаб мамлакатларда таълимнинг кўпчилик учун очиқлилиги, тенг имкониятли бўлиши, унинг самарадорлигига кўмаклашиш учун самарали инновацион тамойилларни ишлаб чиқиш ва ислоҳ қилиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Дунёда мамлакатлар ижтимоий тараққиётида ва иқтисодий барқарорлигига сифатли олий таълимнинг ўрни тобора ортиб бормоқда. Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти олий таълимга катта умид боғлаб, улардан иқтисодиётнинг ўсиши ва билимлар жамиятининг шаклланишига ёрдам берувчи кенг кўламли вазифаларни амалга оширишни талаб қилмоқда. Анъанавий таълим, илмий-тадқиқот ва инновация фаолияти билан бир қаторда олий ўқув юртлари мамлакат тараққиётида кенг иштирок этишга ҳамда интеллектуал ва инновацион салоҳиятининг узлуксиз ўсишини таъминлашга чақирилмоқда.

Олий таълим аста-секин бозор муносабатларининг тўлақонли субъектига айланиб, «академик капитализм» тамойиллари асосида фаолият кўрсатмоқда. Бу эса унинг бошқарув тузилмаси ва вазифаларни фаол ўзгартиришга, янги молиялаштириш манбаларини эгаллашга, янги ўқитишиш усулларини излашга ва билимларни назорат қилишга ундайди. Олий таълим муассасаларининг фаолияти, бинобарин, уларни бошқариш тобора корпоратив тус олмоқда.

Кўпгина мамлакатларда олий таълим муассасаларининг роли ўзгариб бориши билан уларнинг марказий ҳокимият органлари билан муносабатларининг табиати ҳам ўзгариб бормоқда. Давлат назорати босқичма-босқич йўқотилмоқда. Ўтган ўн йилликлар мобайнида, деярли бутун дунёда, алоҳида олинган олий таълим тизимининг рақобатбардорлигининг ўзига хос мезони ҳисобланган динамизм, мослашувчанлик, самарадорликка кўпроқ эркинлик бериш мақсадида олий таълимни ҳам тизимли, ҳам институционал даражада бошқаришда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда олий таълим сифати ва кадрлар рақобатбардошлигини ошириш, интеллектуал фаоллигини шакллантириш масалалари билан ЮНЕСКО шуғулланади. У олий таълим мазмунини халқаро даражага қўтариш, модулли таълимни ташкил этиш, ўқитишининг илғор услубларини жорий этиш асосида бўлажак мутахассисларнинг компетентлигини такомиллаштириш масалалари алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, «Олий таълимнинг Европа майдони» каби интеграцион жараёнлар ва ҳаракатларнинг пайдо бўлиши ҳозирги вақтда олий таълим бир мамлакат доирасида ривожлана олмаслигини кўрсатмоқда[1]. Шуни алоҳида

таъкидлаш лозимки, 1994 йилда ЮНЕСКО ва Умумжаҳон банки олий таълимни янги босқичга олиб чиқиш бўйича олиб борган ишларини жамлаб, “*Олий таълим: тажриба сабоқлари*” маъruzасини чоп этган ва унда даромад даражаси ўртacha бўлган давлатларда таълимга инвестицияни ошириш, таълим бошқарувига янгича тамойилларни олиб кириш катта самара беришини илгари сурган ҳолда, энг асосийси, олий таълимга маблағларни инвестиция қилиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоратадбирлар зарурлиги ҳам эътироф қилинди. 2000-йилда ЮНЕСКО ва Умумжаҳон банкининг биргаликдаги ташабbusлари натижаси ўлароқ, матбуотда «*Ривожланаётган мамлакатларда олий таълим: хавф-хатар ва истиқболлар*» билдириши эълон қилинди ва ривожланишнинг ҳар қандай умумий стратегиясида олий таълим муҳим аҳамияти таъкидланди. Унда мамлакатларни ҳар томонлама ривожлантириш, камбағалликни қисқартириш учун олий таълимнинг аҳамиятини бутун тафсилотлари билан кўриб чиқилган ва тадқиқот институтлари томонидан таклиф қилинаётган таълим стратегияларини тажрибадан ўtkазиш зарурати алоҳида таъкидланган.

Шунингдек, 2002-йилдаги «*Билим жамиятини қуриши: учламчи таълим соҳасидаги янги таклифлар*» номли бошқа бир баёнотида олий таълим мамлакатнинг ривожланиши ва ижтимоий-иктисодий, сиёсий, маданий соҳаларда рақобатбардор бўлиши учун шароитларни яратиш улкан аҳамиятга эга экани таъкидланган. Олий таълимнинг мавжуд имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш учун ижтимоий талаб ва эҳтиёжлар ўрганиш ва бу асосида иш олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирда камбағаллик даражасини камайтириш ва миллий даромад даражасидан қатъий назар барқарор ривожланиши учун ҳаракат қилиш ҳар бир мамлакат учун муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мазкур баёнотда асосий эътибор жаҳон даражасидаги ОТМларни барпо қилиш, олий таълимнинг рақобатбардор тадқиқотларини кенгайтириш ва академик муҳитни яратиш мамлакатни ривожлантиришга таъсири масалаларига қаратилган. Жаҳоннинг энг яхши олий таълим муассасалари рўйхатида етакчи ўринларни эгаллашга интилган турли мамлакат ҳукуматлари ва академик доиралари замонавий дунёда таълимнинг мақсади ва ўрни ҳақида янги тасаввурларни ишлаб чиқишга ҳаракат қила бошладилар. Бугунги кунда айрим мамлакатлар таълим тизими фақат маҳаллий ёки миллий манфаатларга хизмат қилишларидан қониқиши ҳис қилмаётганлигини таъкидлашга ўтмоқдалар. Олий таълимнинг ривожланиши учун уларни қиёслаш имкониятини берувчи индикаторлар борган сайин кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда жаҳон миқёсидаги ОТМлар – нафақат сифатли таълим берувчи, интеллект ва маданиятни ривожлантирувчи олий ўқув юртлари – улар ғуур ва ифтихор манбаига айланди, чунки мамлакатлар ўз ўқув муассасалари статусини бошқа давлатларники билан солиштириб баҳолайдилар.

Ўтган ўн йилликда «жаҳон даражасидаги университет» атамаси нафақат ўқитиш ва илмий тадқиқотлар сифатини ошириш учун, балки энг муҳими, ўзлаштириш, мослаштириш ва глобал таълим бозорида рақобатлашиш қобилиятини ривожлантириш учун иборага айланди. Жаҳон миқёсидаги ОТМларнинг парадокси шундан иборатки, “ҳар ким бундай университетни яратишни хоҳлайди, аммо ҳеч ким унинг нима эканлигини ва қандай қилиб унга эга бўлишни билмайди”[2]. Ҳозирда ёшлар ўзлари учун иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган энг яхши ўқув юртларига ўқишишга киришга интилмоқда, ҳукуматлар эса университетларга киритган сармоялари

даромадларини максимал даражада оширишга интилмоқда.

Олий таълим муассасаси ўзини жаҳон даражасидаги олийгоҳ деб эълон қила олмайди. Яқин вақтларгача “халқаро” мақомини олиш жараёни асосан университет обрўсига асосланган субъектив баҳолашга асосланган эди. Масалан, АҚШдаги Гарвард, Йел ёки Колумбия, Буюк Британиядаги Оксфорд ва Кембриж ва Токио университетлари анъанавий равишда элита университетларининг эксклюзив гурухига мансуб бўлиб келган, аммо шу пайтгача уларни ўқитишида қатъий, илмий асосланган баҳолаш мезони бўлмаган. Ҳатто, битиравчиларнинг юқори маошлари ҳам уларнинг билимларининг хақиқий қиймати сифатида, объектив далил бўла олмайди.

Бироқ сўнгги йилларада жаҳон даражасидаги ОТМларни аниқлаш ва таснифлашнинг янада объектив усуслари пайдо бўлди[3]. Бундай усуслардан бири бу олий ўқув юртларининг рейтингидир. Гарчи энг таниқли рейтинг методикаларининг аксарияти бир мамлакат ичидағи ОТМларга тоифаларни беришни ўз ичига олса-да, халқаро олийгоҳлар рейтингини тузишига уринишлар ҳам бўлган. Рейтинг жадваллари турли мамлакатларнинг таълим муассасаларини таққослаш учун олийгоҳларнинг ўзларидан ёки оммавий ахборот манбаларидан олинган объектив ва субъектив маълумотлар асосида тузилади. Таймс рейтингига дунёнинг энг яхши 200 та университети киради. Биринчи марта бундай рўйхат 2004 йилда тақдим этилган. Рейтинг методикаси, аввалимбор, субъектив маълумотлар(ҳамкасларни баҳолаш, битиравчиларни тайёрлаш сифати бўйича иш берувчилар ўтказилган саволлар), миқдорий кўрсаткичлар(шу жумладан, чет эллик талабалар ва ўқитувчилар сони) асосида яратилган халқаро обрўга ҳамда ўқитувчилар таркибининг ваколати(уларнинг илмий ишларидан келтирилган иқтибослар индекси билан ифодаланади)га асосланган эди.

2003 йидан бери тузилиб келинаётган Шанхай рейтинги дунёнинг энг яхши 500 та университетини аниқлашга қаратилган ва унинг баҳолаш мезонлари ўқитувчилар, битиравчилар ва ходимларнинг таълим ва илмий фаолиятининг объектив кўрсаткичларига асосланади. Олий таълим муассасаси рейтингини аниқлашда нашр ишлари, адабиётлардан олинган иқтибослар сони ва энг нуфузли халқаро мукофотларга эътибор қратилади. Жаҳон миқёсидаги ОТМларнинг бошқаларидан қандай фарқ қилишини тушунтиришга ҳаракат қилган баъзи олимлар уларнинг бир қатор асосий хусусиятларини аниқлай олдилар: юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий тадқиқотлар натижалари, ўқитишининг юқори сифати, хукumat ва нодавлат ташкилотларнинг катта миқдордаги маблағлари, иқтидори юксак бўлган, шу жумладан чет эллик талабаларнинг, академик эркинлик, аниқ белгиланган бошқарув тизимлари, ўқув жараёни, тадқиқот, маъмурий ишлар учун яхши жиҳозланган биноларнинг мавжудлиги[4]. Буюк Британия ва Хитой олий таълим муассасалари томонидан ўтказилган тадқиқотлар асосида бошқа асосий хусусиятлар ушбу рейтинга киритилди[5]. Мазкур рейтинг ОТМнинг халқаро обрўсидан тортиб то объектив баҳолаш қийин бўлган мавҳум концепцияларгача, масалан, ОТМнинг жамият тараққиётiga қўшган ҳиссаси каби кўплаб параметларни ўз ичига олади.

Жаҳон даражасидаги олий таълим муассасаларининг мукаммалроқ таърифига кўра, муассасанинг юқори натижалари (битиравчиларнинг юқори рейтинги, замонавий илмий изланишлар ва уларни амалга ошириш) асосида ўзаро бир-бирини тўлдирувчи учта омил ётади, булар: (а) **истеъдодларнинг юқори концентрацияси** (профессор-ўқитувчилар ва талабалар), (б) қулай ўқув муҳити ва илгор тадқиқотларни олиб бориш учун **ресурсларнинг кўплиги** ва (с) стратегик қарашларни, инновацияларни

ва мослашувчанликни ривожлантирувчи **бошқарув тузилмаси**, ОТМда бюрократик түсикларсиз қарорлар қабул қилиш ва ресурсларни бошқариш имкониятини беради.

Үтган асрда олий таълим анъаналарининг шаклланиши ва ривожланишида давлатнинг роли ҳал қилувчи омил бўлмаган. Мисол учун, Оксфорд ва Кембриж университетлари асрлар давомида мустақил равишда такомиллашиб борган, ҳукумат томонидан молиялаштириш ҳажми йиллар давомида ўзгариб борган, аммо университетларнинг автономияси фаолиятнинг барча соҳаларида, айниқса бошқарув, вазифани аниқлаш ва ривожланиш йўллари билан боғлиқ масалаларда ўзгаришсиз қолган. Бугунги кунда давлат ёрдами ва давлатнинг бевосита молиявий қўмагисиз жаҳон миқёсидаги ОТМларни барпо қилиш мумкин эмас. Замонавий илмий тадқиқотларни ўtkазиш учун шароит яратиш катта маблағларни талаб қилади.

XX асрнинг охирларида ОТМнинг ижтимоий-маданий обьект сифатидаги мақсад ва вазифалари ҳақида қуйидагича тасаввурлар шаклланди: шахсни ривожлантириш учун шароитларни яратиш, маданий ва илмий меросни сақлаш ва кейинги авлодларга етказиш, билимлар ҳажмини кенгайтириш, билимларни оммалаштириш. Санаб ўтилган мақсадларга эришиш учун олий таълим томонидан бир қатор вазифалар бажарилиб, амалга оширилади: илм олишга оид, тадқиқот (билиш ва амалий), дессеминацион (билимларни таълим орқали тарқатиш, конференциялар, патентлар, нашрлар), консалтингли ишлаб чиқариш (бозорда эҳтиёж бўлган, илм талаб қиласиган товар маҳсулотини ишлаб чиқариш)[6].

ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган олий таълим муассасаларининг мақоми ҳақидаги тавсиялар

Бутун фаолиятларида илмий ҳамда интеллектуал этика ва талабчанликни, ўзларининг асосий вазифаларини сақлашлари ва кенгайтиришлари

Ўзига хос интеллектуал обрўга эга бўлиб, тўлиқ мустақиллик ва масъулият билан этикага оид маданий ва ижтимоий муаммолар бўйича ўз фикрини баён этиш имкониятига эга бўлиши

Универсал тан олинган қадриятларни, жумладан тинчлик, адолатлилик, эркинлик, тенглик ҳамда ҳамфирқликтини ҳимоя қилиш ва фаол оммалаштириш учун ўз интеллектуал имкониятлари ва маънавий-ахлоқий обрўсидан фойдаланиши

Ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуаси сифатида қабул қилинувчи тўлиқ академик эркинлик ва автономиядан фойдаланиш, шу билан бирга жамият олдида тўлиқ жавобгар бўлиши ва ҳисоб беришга бурчли бўлиши

Мамлакатлар ва жаҳон ҳамжамиятининг фаровонлигига таъсир кўрсатувчи муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга қўмаклашишда маълум даражада роль ўйнаши керак

1-шакл. ЮНЕСКОнинг томонидан қабул қилинган олий таълим муассасаларининг мақоми ҳақидаги тавсиялар

Олий таълим олиш учун йўллар кенг очиқ бўлган ҳозирги шароитда юқори сифат стандартларининг пасайиш хавфи пайдо бўлди. Давлат ўзини жамият манфаатининг ҳимоячиси деб ҳисоблаган бундай шароитлар ҳар доим ҳам университетлар манфаатларига мос келмайди[7]. Немис олими Петербург Фанлар Академияси аъзоси Герман Гольмгольц 1968 йилда Берлин университети ректори лавозимини қабул қилаётгандан сўзлаган нутқида академик эркинлик ва университетларнинг масъулиятини бирга қўшиш ҳақида нутқ сўзлайди. Бу назария Болония жараёнида академик автономия тамойилини шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилди. Унинг моҳияти шундан иборатки, университет – бу таълим тизимининг маркази, чунки бу ерда таълим ва тадқиқот бирга қўшиб олиб борилади ва шундай қилиб, “ilm-fan асоси”, “умумий маданият муассасасига” айланади. Гумбольц асос соглан олий таълим шакли ўз лигитимлигини таълим олиш ва тадқиқот, жараён ва натижা, тарих ва онг, филология ва танқид, тарихий билимдонник ва эстетик тажриба, институционаллик ва индивидуаллик синтезини амалга оширувчи маданиятдан олади[8]. Унинг университет модели Олий таълими ҳақидаги Умумжаҳон декларациясида ўз ифодасини топади. 1997-йилда ЮНЕСКОнинг томонидан қабул қилинган олий таълим муассасаларининг мақоми ҳақидаги Тавсияга мувофиқ олий ўқув юртлари:

- а) бутун фаолиятларида илмий ҳамда интеллектуал этика ва талабчанликни, ўзларининг асосий вазифаларини сақлашлари ва кенгайтиришлари;
- б) ўзига хос интеллектуал обрўга эга бўлиб, тўлиқ мустақиллик ва масъулият билан этикага оид маданий ва ижтимоий муаммолар бўйича ўз фикрини баён этиш имкониятига эга бўлиши;
- в) универсал тан олинган қадриятларни, жумладан тинчлик, адолатлилик, эркинлик, тенглик ҳамда ҳамфирликни ҳимоя қилиш ва фаол оммалаштириш учун ўз интеллектуал имкониятлари ва маънавий-ахлоқий обрўсидан фойдаланиши;
- г) ҳукуқ ва мажбуриятлар мажмуаси сифатида қабул қилинувчи тўлиқ академик эркинлик ва автономиядан фойдаланиш, шу билан бирга жамият олдида тўлиқ жавобгар бўлиши ва ҳисоб беришга бурчли бўлиши;
- д) мамлакатлар ва жаҳон ҳамжамиятининг фаровонлигига таъсир кўрсатувчи муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга кўмаклашишда маълум даражада роль ўйнаши керак.

Ҳозирда, олий таълим муассасаларининг давлатдан ажратилганлиги ва моливий мустақиллиги БМТга аъзо бўлган мамлакатларга қўйилган талаб ҳисобланади.

Адабиётлар

1. European integration in higher education: the bologna process towards a european higher education area, Hans de Wit, University of Amsterdam, the Netherlands, Springer 2007
2. Altbach, Philip G. 2004. “The Costs and Benefits of World-Class Universities.” *Academe* 90 (1, January-February). Retrieved April 10, 2006, from <http://www.aaup.org/AAUP/pubsres/academe/2004/JF/Feat/altb.htm>.
3. IHEP (Institute for Higher Education Policy), ed. 2007. College and University Ranking Systems: Global Perspectives and American Challenges. Washington, DC: IHEP.

Retrieved December 2, 2008, from <http://www.ihep.org/assets/files/publications/af/CollegeRankingSystems.pdf>.

4. Khoon, K. A., R. Shukor, O. Hassan, Z. Saleh, A. Hamzah, and R. Ismail. 2005. "Hallmark of a World-Class University." College Student Journal (December).
5. Alden, J., and G. Lin. 2004. "Benchmarking the Characteristics of a World-Class University: Developing an International Strategy at University Level." Leadership Foundation for Higher Education, London.
6. Казакова Н.В. Университеты и экономика, основанная на знаниях. Саратов, 2002. – С. 58-64
7. Ридингс Б. Университет в руинах //Отечественные записки,2003. №6.(15). – С. 78
8. Гельмголц Г. Об академической свободе в немецких университетах// Отечественные записки,2003. №6.(15). – С. 29-33